# Тошкент ҳақиқати

• № 61 (10.638).

1994 йил
20 август
шанба

Сотувда
эркин нархда

1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН НАШР ЭТИЛМОҚДА.

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

ЧОРШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.


*Ўзбекистон мустақиллигининг уч йиллигига*

## УЛУҒ ТЎЙ ТАРАДДУДИ

**Республикамиз давлат мустақиллигининг уч йиллиги байрамига ҳам саноқли кунлар қолди. Мамлакатимиз пойтахтида ўтадиган байрам тантаналари ҳақида унинг бош режиссёри Рустам Ҳамидов билан суҳбатлашдик.**

—Мустақиллик куни ўзбекистонликлар учун энг буюк ва муқаддас байрамдир. Мамлакатимизда 31 август куни нишонланадиган бу галги шодиёна олдингиларидан фарқ қилади. Биз ўтган йиллари вилоятлардаги энг машҳур бадиий жамоаларнинг, хофизларнинг ранг-баранг санъатини намойиш этган эдик. Бу йил эса иложи борича янги санъат ғунчаларини катта саҳнага олиб чиқиб, пойтахт меҳнаткашлари ва меҳмонларига, қолаверса, ойнаи жаҳон орқали халқимизга таништирмоқчимиз. Маълумки, ЮНЕСКО 1994 йилни оила йили деб эълон қилди. Айниқса, бизнинг халқимиз учун оила энг муқаддас маъволиги дунёга аён. Шу боис байрам тадбирларида болалар жамоалари, оилавий гуруҳлар иштирок этади, албатта, кўпгина халқаро фестивалларда қатнашиб, ўзбек санъати донғини жаҳонга таратаётган машҳур эстрада юлдузлари ҳам байрам тантаналарига файз киритадилар. Улар ҳозир махсус концерт дастурларини тайёрламоқда.

Хуллас, байрам томошаларида етти мингга яқин етук ва ҳаваскор санъат соҳиблари иштирок этади. Байрам юқори савияда ўтиши учун Абдурашид Раҳимов, Маъмура Эргашева, Вилоят Оқилова, Юлдуз Исматова, Иброҳим Юсупов, Виталий Васильев, Марат Азимов, Бахтиёр Ҳамидов каби ўнлаб иқтидорли санъаткорлар сидқидилдан меҳнат қилаётир.

Шодиёналар 1 сентябрь куни ҳам давом этади. Тошкентдаги бир қанча катта майдон ва боғларда театрлашган байрам томошаларини намойиш этиш мўлжалланмоқда. Мустақиллик майдонида ва сайлгоҳга уланиб кетган Амир Темур хиёбонида эрталабдан кечгача ўнлаб бадиий жамоалар томоша кўрсатади. Халқлар Дўстлиги майдонида ва Ўзбекистон миллий боғида ҳам турли томошалар намойиш этилади. Алишер Навоий номидаги театр майдони болалар ихтиёрига берилади. Бу ерда хилма-хил кўргазмалар, бадиий жамоалар чиқиши уюштирилади. Эски шаҳарнинг Хадра майдонида томоша кўрсатиш учун таниқли театр ва цирк артистлари махсус дастур тайёрламоқда.

Сўлим анҳор атрофида эса савдо расталари, чойхоналар шаҳар аҳли ва меҳмонларга хизмат қилади.

Улуғ мунажжим ва шаҳаншоҳ бобомиз Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллик, Абдулла Қодирийнинг 100 йиллик тўйлари яқинлашаётганини яхши биласиз. Бу йилги байрамда ана шу буюк инсонларни ёд этиб, азиз сиймоларини гавдалантиришни ният қилганмиз.

Бундан ташқари, байрам кунлари анъанавий, миллий санъатимизни, қадимги халқ ўйинларини тиклаётган фидойи инсонларга, фолькьлор гуруҳларига, машҳур дорбозларга ҳам саҳнадан жой ажратамиз.

Байрамни қизиқарли ва мазмунли ўтказиш йўлидаги саъй—ҳаракатларимиз, интилишларимиздан асосий мақсадимиз битта. У ҳам бўлса—дилларимизга эрк ва ғурур бағишлаган миллий истиқлолимизнинг уч йиллик тўйини муносиб кутиб олишдан иборат. Юртнинг бу катта тўйида ҳар қанча хизмат қилсанг толмайсан, кучингга куч, ғайратингга ғайрат қўшилади. Ҳар кимни шундай улуғ тўйларга етказсин.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АФВ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллиги муносабати билан, меҳр-шафқат ва инсонпарварлик тамойилларига амал қилиб, Конституция 93-моддасининг 20-бандига асосан қарор қиламан:

1. 5 йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган вояга етмаганлар, аёллар, ёши 60 дан ошган эркаклар ҳамда 1- ва 2-гуруҳ ногиронлари жазодан озод қилинсин.

2. Биринчи марта атайлаб қилган жиноятлари учун 3 йилгача озодликдан маҳрум этилган ёки енгилроқ жазога ҳукм қилинганлар, шунингдек эҳтиётсизлик туфайли қилган жинояти учун 5 йилгача озодликдан маҳрум этилганлар жазодан озод қилинсин.

3. Биринчи марта қамоқ жазосига ҳукм қилинган ва белгиланган жазо муддатининг учдан икки қисмини ўтаган шахслар жазо муддатининг қолган қисмини ўташдан озод қилинсин, белгиланган жазо муддатининг ярмини ўтаган шахслар эса бадарға колониясига ўтказилсин.

4. Ўта оғир жинояти учун озодликдан маҳрум этилган ашаддий жиноятчиларга, наркотик моддалар ва ўқотар қуроллар билан боғлиқ жинояти учун маҳкум этилганларга, уюшган жиноий гуруҳларнинг иштирокчиларига, шунингдек, жазони ўташ тартибини ашаддий бузувчиларга нисбатан афв қўлланилмасин.

5. Фармон эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради ва тўрт ой давомида ижро этилади.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 19 август.

## ЧЕТ ЭЛ МАТБУОТИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И. КАРИМОВНИНГ "ЎЗБЕКИНВЕСТ" МИЛЛИЙ СУҒУРТА КОМПАНИЯСИНИ ТУЗИШ ҲАҚИДАГИ ҚАРОРИНИ ЮКСАК БАҲОЛАМОҚДА

Хорижнинг нуфузли газета ва журналлари "Ўзбекинвест" Миллий суғурта компанияси фаолиятига оид бир қатор мақолалар эълон қилдилар. Ғарб ишбилармон дунёси етук вакилларининг фикрича, чет эллик сармоядорларга ёрдам кўрсатишга, ҳамда уларнинг маблағларини ҳимоя қилишга мўлжалланган ташкилотнинг тузилгани ўринли ва ўз вақтида қўйилган қадамдир. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт халқаро ташкилотнинг тавсиясида Ўзбекистондаги хорижий сармоялар махсус агентлик томонидан ҳимояланиши кераклиги кўрсатилган эди. Эслатиб ўтамизки, компания Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 21 январдаги "Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонига биноан ташкил этилган.

Лондонда чоп этиладиган "EUROMONEY" ("Оврупуллар") журнали август ойдаги сонида япон банкирларининг Марказий Осиёдаги фаоллигига оид ўз прогнозини баён этди. Шу билан бирга мақола муаллифи республика молия бозорининг ташқи дунё билан ҳамжиҳатликдаги фаолият тамойилини шакллантиришда Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва "Ўзбекинвест"нинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Япониянинг "NIKKEI NEWSPAPER" йирик иқтисодий газетаси етакчи япон банкларидан бири бўлган "YIAMAICHI" ("Ямаичи") ёрдамида ўтказилаётган, "Ўзбекинвест" ва япон суғурта компаниялари орасидаги ҳамкорлик масалаларига доир мақола чоп этди. Газета ғарб ва шарқдаги шерикларига баравар қизиқиш билдираётган "Ўзбекинвест" стратегик фаолиятининг мутаносиблигини таъкидлади.

Ҳозирги кунга келиб "Ўзбекинвест"да мутахассисларнинг асосий таркиби жамланди, компания ҳам тижорат, ҳам сиёсий таваккалчиликларини суғурта қилиш бўйича бир қатор шартномалар тузди.

Компания етакчи хорижий суғурта ва АҚШ, Оврупо ва Осиёдаги қайта суғурта қилиш фирмалари билан ҳамкорлик қилмоқда. Уларнинг баъзилари билан Оврупо ва бошқа минтақаларда қўшма суғурта компаниялари ва обуна агентликлари очиш ҳақида лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Жаҳондаги юздан зиёд мамлакат сармоядорларига ёрдам кўрсатиб келаётган йирик халқаро ташкилот — сармоялар кафолоти кўп томонлама агентлиги (МАГИ) билан алоқалар ўрнатилди.

"Ўзбекинвест"нинг яратилиши хорижий иқтисодчилар томонидан Ўзбекистоннинг, кенг ошкораликка, жаҳон иқтисодиётига қўшилишга ҳамда мамлакатимизга жойлаштирилаётган сармоялар муҳофазасини кафолатлашга интилиш сифатида баҳоланмоқда.

*Ғалла ризқ — рўзимиз*

## 400 ТОННАДАН ОШДИ

АЙТИШЛАРИЧА, хўжаликда ғаллани баҳорда экилгани бир ҳисобда яхши бўлибди. Чунки, кузда озроқ майдонга экиб улгурилган уруғ тупроқда дурустроқ томир отмай эрта қор тушиб қолди. Қиш сурункали давом этиб, чўзилиб кетди. Шу боисдан кузги ғалла баҳорда экилганига қараганда яхши ривожлана олмади, ҳосили ҳам кам бўлди.

Ҳамроҳим — "Ангрен" ширкат хўжалигининг 1-бўлими бошқарувчиси Жамол Қўчқоровнинг таъкидлашича, улар ғаллани эрта баҳорда экиб, яна бир томондан ютишибди. Маълум бўлишича, улар ҳар йили ҳосилдан бўшаган юз гектар ерни баҳоргача ҳайдамай ташлаб қўйишар экан. Агар шундай қилинса, бегона ўт уруғлари қаҳратон қиш кезлари нобуд бўлар экан. Бу йил баҳорда ўтган йил кузида шудгорланмаган ана шундай 400 гектар майдон ҳайдалиб, дон экилибди. Натижада ер бегона ўтлардан бутунлай тозаланибди, ҳосилдорлик ҳам дуруст бўлибди.

Аммо, ҳамма гап деҳқоннинг заковати, унинг ҳалол меҳнатида. Буни ширкат хўжалиги миришкорлари ўз тажрибаларидан жуда яхши билишади. Шунинг учун ҳам улар астойдил меҳнат қилиб, 634 гектар майдонда мўл ҳосил етиштирдилар. Айниқса, бош ижарачи Тошпўлат Эсонбеков ғаллазорларидан баракали дон ҳосили ўриб, янчиб олинди. Қирқ беш йилдан бери даладан меҳрини узмай келаётган Тошпўлат ака давлат хирмонига 400 тоннадан зиёд сара дон тўкишга муваффақ бўлди. Бунда ўғиллари Аҳмад, Шароф, Акмаллар катта кўмак беришди.

Ширкат жамоа хўжалигида ўрим-йиғим ишлари ўзаро мусобақа асосида ташкил этилгани ҳақида касаба уюшма қўмитасининг раиси Абдуқодир Рисбеков шийпонда, тушликка тортилган палов устида гап очиб қолди.

— Ғаллакорларимиз учун ҳамма шарт-шароитларни яратиб беришга ҳаракат қилдик — деди у. — Икки маҳал иссиқ овқат, маданий хизматлар ташкил этилди. Энг муҳими — ўзаро меҳнат мусобақаси изчил йўлга қўйилди. Мусобақа ғолибларига махсус соврин — мукофотга қўй берилди.

Пешқадам комбайнчи ва механик-ҳайдовчиларимиздан Назар Иброҳимов, Шавкат Рўзиматов, Иброҳим Одилов, Хайитбой Шомуродов ва бошқалар ана шундай совринларни олишга муяссар бўлишди.

**Неъмат ДУШАЕВ,**
**Оҳангарон тумани.**

## 135 УЙ ТАЙЁР

Меҳнаткашлар турмуш шароитини яхшилаш одамларимиз ҳаёт тарзини ўзгартириш, ҳамма жабҳада юксак маданиятга эришиш — қишлоқда олиб борилаётган туб иқтисодий ислоҳотларнинг мақсад, мавзуидир. Чиндан ҳам одамлар ўз меҳнати самараларидан тўла баҳраманд, туриш-турмушидан кўнгли тўқ бўлган жойдагина олға силжиш, ривожланиш ва ижобий ўзгаришларга эришиш мумкин.

Иқтисодий ислоҳотлар дастуридан ўрин олган ана шундай долзарб масалалардан бири аҳолининг уй-жойларга бўлган талаб ва эҳтиёжларини мунтазам қондириб боришдир. Қуйичирчиқ тумани ҳокимлиги бу борада ибратли ишларни амалга ошириб келмоқда. Туман хўжаликларида аҳолининг шахсий уй-жойлар қуриб олишлари учун ҳар томонлама ёрдам кўрсатилмоқда. Кейинги вақтларда туманда 1820 кишига шахсий уй-жойлар қуриб олишлари учун 235,5 гектар ер ажратиб берилди. Туман маркази ҳисобланган Солдатск шаҳрида истиқомат қилувчи 200 фуқарога 16,5 гектар ер ажратилди. Қурилиш материалларидан ўз вақтида ёрдам кўрсатиб келинаётганлиги туфайли ҳозирги кунда 135 уй қуриб битказилди. 852 кишининг эса янги уйлари битиш арафасида. Улар йил охиригача ўз хусусий уйларига кўчиб кирадилар.

**Ҳ. НОСИРОВ.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

### Б. Ҳамидовни Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлаш тўғрисида

Давлат идораларидаги кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси молия вазири Бахтиёр Султонович Ҳамидов Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 18 август

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

### С. С. Саидқосимовни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлаш тўғрисида

Саидмухтор Саидғозиевич Саидқосимов Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 18 август

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

### С. С. Саидқосимовни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Саидмухтор Саидғозиевич Саидқосимов бошқа ишга ўтгани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири вазифасидан озод қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 18 август

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

### А. Ҳ. Комиловни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири этиб тайинлаш тўғрисида

Абдулазиз Ҳафизович Комилов Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 18 август

## МУСТАҚИЛЛИК: ИНЪОМ ВА МАСЪУЛИЯТ

Бирон бир хонадонга кирсангиз, эгаси қанчалик замонавий бўлмасин, уй барибир у мансуб бўлган миллатга хос жиҳозлар билан безатилганини, тартиб ҳам шу миллатга хос эканини кўрасиз.

Ўзбекистон — улкан, ҳақиқий байналмилал хонадон. Бу ерда юздан ортиқ миллат ва элат тинч-тотув турмуш кечираётгани барчага маълум. Бироқ, барибир юртимизнинг номи Ўзбекистон эканини, бинобарин, унинг шакли шамойили ҳам номини ифода этиши, яъни "исми жисмига мос" бўлиши шартлигини унутмаслигимиз лозим. Чунки, юртимизга келган ҳар қандай одам ўзининг Ўзбекистонда эканини ҳар қадамда сезиб туриши керак.

Шўролар даврида Ўзбекистон деган ном фақат шу салтанат доирасидагина маълум, унинг, демакки, шаҳар ва қишлоқларимизнинг ҳам ўзига хос қиёфаси йўқ ҳисоби эди. Юртбошимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда, "Мустақиллик эълон қилинганидан буён ўтган давр нисбатан қисқа бўлса-да, халқимиз ва давлатимиз тарихида ғоят катта ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар юз берди. Миллий давлатчилигимизни қайта тиклашда, кўп асрлик беқиёс маънавий меросимиз, тариху маданиятимиз, дину тилимиз, муқаддас урф-одатларимизнинг янада қад ростлашида сезиларли қадамлар қўйилди. Миллий ғуруримиз, ориятимиз тикланмоқда, қалбимизда асл ватанпарварлик туйғулари уйғонмоқда".

Атиги уч йил ичида шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси ҳам кескин ўзгарди. Биргина Тошкентни оладиган бўлсак, бош майдонимизда "кўрк" тўкиб турган Ленин, "Инқилоб хиёбони"нинг "эга"си Карл Маркс ҳайкаллари олиб ташланиб, бу жойларга ҳақиқий эгалари қайтиб келди, бу жойларнинг ҳам, бошқа майдон ва кўчалар, боғлар ва меҳмонхоналар, метро бекатларининг ҳам номлари ўзгарди, Тошкент ҳақиқий ўзбек шаҳрига айланди.

Аммо, бу борада қилинаётган ишлар кўнгилдагидайми? Мустақил юрт талабларига жавоб берадими? Президентимиз халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида масалани кескин қилиб қўйганидек, ҳар бир ҳудуднинг эгаси борми? Юртбошимизнинг барча раҳбар телевизор кўрсин, деган маслаҳатига амал қилиняптми?

Афсуски, бу саволларга баралла "Ҳа!" дея жавоб бериш қийин. Агар шаҳар, туман ҳокимлари газета ўқиганида, телевизор кўрганида шаҳар ободончилиги, кўча ва бошқа жойларнинг номлари хусусидаги таклифларни кўриб чиққан, уларда кўтарилган масалаларни ҳал этган бўлур эди.

Бир нечта мисол. Шаҳримизнинг энг гўзал кўчаларидан бири Пушкин номи билан юритилади. Бу яхши, албатта. Аммо, бу кўча ёнида "Пушкин — Пишпек", "Пушкин — Салор" деган кўчалар борлиги, бу номлар ҳеч нарсани англатмаслиги, улардан бирига шу ерда истиқомат қилган атоқли ёзувчи Мирзакалон Исмоилий номини бериш лозимлиги тўғрисида бир неча бор ёзилди. Аммо, ҳокимлар газета ўқимагани туфайли шекилли, ҳеч қандай натижа бўлгани йўқ.

Тошкентда Гризодубов номида кўча борлиги, бу аслида нотўғрилиги, Гризодубов эркак эмас, аёл экани тўғрисида ҳам ёзилди. Бироқ, бу ҳодиса ҳам ҳеч кимда ҳеч қандай муносабат пайдо қилмади. Акс ҳолда газетада шу ҳақда гап бўлган куниёқ бу уятли ҳолга барҳам бериб, кўчани шу ерда яшаб ўтган бошқа бир атоқли ёзувчимиз — Шуҳрат номи билан аташ мумкин эди...

Тошкент — яна юртбошимиз таъбири билан айтганда, Ўзбекистоннинг юраги ҳамдир. Демак, ундаги ҳар бир унсур, ҳар бир манзара, ҳар бир иншоот Ўзбекистоннинг қиёфасига мос, бу қиёфани ифода қилиши зарур. Бироқ, айтайлик, "Болалар дунёси" магазини олдида, Дархон маҳалласида ёғочдан ўйиб ишланган турли қиёфалар қайси халққа мансуб, қайси мамлакат жуғрофиясини билдиради?

Мустақиллик шарофати туфайли метронинг ҳам кўпгина бекатлари қайта номланди. Бироқ, бекатнинг безаги янги номга мос эмас, аксинча, унинг бутунлай акси эканига ким эътибор қилмоғи лозим? Безаклар номларга қай даражада мос ва мустақил Ўзбекистонга қай даражада алоқадор, деган саволга-чи, ким жавоб беради?

Мана, бир-иккита мисол:

"Амир Темур хиёбони" бекатини инқилобчилар тасвири, "Вся власть советам!", "Все на защиту революции!", "Мы строим социализм" сингари шиорлар "безаб" турибди.

"Мирзо Улуғбек" бекатида ўттиз тўртта устун бор экан. Уларнинг ҳаммасида СССР ҳамда бошқа республикаларнинг ўша пайтдаги герб ва байроқлари тасвирланган.

"Ёшлик" бекатининг безаги эса, комсомолнинг жасоратини кўрсатувчи тасвирлар ҳамда унга берилган орденлардан иборат.

"Халқлар дўстлиги" бекати перронининг иккала томонида ҳам бугунги кунда йўқ СССР ҳамда ўша собиқ иттифоқ республикаларининг бугунги кунда йўқ герблари "кўрк" тўкиб турибди. На кулишни, на йиғлашни биласиз бу ҳолдан. Яна шуниси ғалатики, улар орасида Ўзбекистоннинг олдинги герби ҳам бор. Мустақил давлатнинг метроси бекатида бу тасвирларни кўрган меҳмон Ўзбекистон ҳақида қандай тасаввурга эга бўлади?

Афсуски, ана шу герблар муҳташам халқлар дўстлиги майдонини ҳам "безаб" турибди. Бу жойларнинг эгалари машинада юргани учун, эҳтимол, метродаги манзарадан бехабардир, аммо майдон ёнидан ўтиб туришади-ку. Афтидан, улар машина ойнасидан ташқарига ҳам қарамайди шекилли. Акс ҳолда, майдондаги бу манзарага кўзлари тушган, бинобарин, аҳволни ўнглаган бўлур эдими... Ёки бозор, сув, бензин масалалари сингари бу масалани ҳам шахсан Президентнинг ўзи ҳал қилишини кутиб туришибдимикан? Раҳбарлик масъулияти, раҳбарнинг ташаббуси, деган тушунчалар борми бизда ўзи?

Тошкент бутун шарқнинг дарвозаси, деймиз. Бу — тўғри гап. Буни юртбошимиз ҳам алоҳида эътироф этган. Аммо, Тошкент — энг аввало Ўзбекистоннинг дарвозаси. Шундай экан, ўз навбатида Тошкентнинг ҳам дарвозалари бор. Қадимда шаҳарларнинг дарвозаси кўп бўлгани маълум, бугунги кунда аэропорт билан вокзал пойтахтимизнинг асосий дарвозалари ҳисобланади. Демак, юртимизга келган ҳар қандай меҳмон учун Тошкент, Ўзбекистон вокзал билан аэропортдан бошланади. Меҳмонга юртимиз тўғрисида дастлабки таассуротни аэропорт билан вокзалнинг безаги, бу ерлардаги тартиб, қурилиш ва иншоотлар беради.

Тошкент вокзалида поезддан тушиб, шаҳар томонга чиққан меҳмоннинг кўзи дастлаб нимага тушишини биласизми?

Билмасангиз, билиб қўйинг: ўн тўрт комиссар ҳайкали ва бу иншоот қаршисида ёниб турган мангу оловга тушади. Меҳмон бу комиссарларни Ўзбекистоннинг миллий қаҳрамонлари экан, деб ўйлаши табиийми? Уларнинг қиёфасига, кийимига қараб, бизнинг қиёфамиз ва либосимиз хусусида дастлабки тасаввурга эга бўладими?

Хўш, шаҳримиз дарвозасида турган бу "дарвозабон"лар ким ўзи?

Аслида саволнинг ўзи ортиқча. Чунки, уларнинг кимлигини, яқиндагина турмушимизни бутунлай алғов-далғов қилиб, ўзбек деган номга қора чаплаб кетган "десантчи"лар сингари, улар ҳам халқимиз бошига не кунлар солганига тарих ҳали баҳо беражагини барча, шу жумладан бу "табаррук" ҳайкал ўрнатилган жой эгалари ҳам яхши билади. Билади-ю... эҳтимол, метро бекатларини қайта безаш учун катта маблағ талаб қилинар, лекин тинч турмушимиз, урф-одатимиз, динимиз, тилимиз, эътиқодимизга тажовуз қилган "муҳтарам" комиссарлар ҳайкалини олиб ташлаш унчалик қийин иш эмасдир?

Мустақиллигимизнинг уч йиллигини байрам қилишдек мислсиз улкан воқеа арафасида турибмиз. Мустақиллик баландпарвоз гаплардан, шиордан, сархушликдангина иборат эмаслиги, уни асраб-авайлаш лозимлиги, уни мустаҳкамлаш учун ҳали ниҳоятда кўп ва хўб ишлашимиз зарурлиги бир нафас ҳам хаёлимиздан чиқмаслиги — ҳақиқий фуқаролик бурчимиз тақозосидир. Шу фикр билан яшаган ҳар қандай киши — оддий ишчими, ҳокимми — ўзининг ишини ўзи, бировларнинг эслатишисиз, виждонан, вақтида бажарса, бас — олам гулистон. "Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак", дейди юртбошимиз. Қанийди, бу ибрат, бу намуна барчамизнинг юрагимизга бир ёлқин ташласа, барчамиз элим дея, юртим дея ёниб яшасак! Унда мустақиллигимизнинг уч йиллигини нишонлаш арафасида вокзалдаги сингари "дарвозабон"лар, метронинг ғаройиб "безак"лари ҳақида куюниб ёзиб ўтирмаган бўлардик... Бинобарин, бу каби ишларни бажариш учун йиллар шарт эмас-ку...

Хуллас, мустақилликнинг инъомидан баҳраманд бўлиш билан бирга унинг масъулиятини ҳам ҳис этайлик, ҳар қайсимиз ўз уйимизни тартибга келтирайлик.

**М. ХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

